

ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ИНСТИТУТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Сайфиддинова Зухро Меҳриддин қизи
Тошкент давлат юридик университети
“Спорт ҳуқуқи” йўналиши магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20392746>

Аннотация: Ушбу тезисда оила барқарорлигини таъминлашда никоҳ шартномаси институтини модернизация қилишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади. Оила кодексининг таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд тартибга солиш фақат мулкий муносабатлар билан чекланган. Бизнингча, бу ҳолат институтнинг оила барқарорлигини таъминлашдаги салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон бермайди. Хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий таҳлили асосида номулкий шартларни киритиш ва болалар манфаатини мустаҳкамлаш зарурати асосланади.

Калит сўзлар: никоҳ шартномаси, оила барқарорлиги, модернизация, оила ҳуқуқи, қиёсий ҳуқуқ.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ИНСТИТУТА БРАЧНОГО ДОГОВОРА В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ СЕМЬИ

Сайфиддинова Зухро Меҳриддин қизи
Ташкентский государственный юридический университет
Магистрант направления «Спортивное право»

Аннотация: В данном тезисе рассматриваются актуальные вопросы модернизации института брачного договора в целях обеспечения стабильности семьи. Анализ Семейного кодекса показывает, что действующее регулирование ограничено исключительно имущественными отношениями. По нашему мнению, это не позволяет в полной мере реализовать потенциал института в обеспечении стабильности семьи. На основе сравнительного анализа опыта зарубежных государств обосновывается необходимость включения неимущественных условий и закрепления интересов детей.

Ключевые слова: брачный договор, стабильность семьи, модернизация, семейное право, сравнительное правоведение.

MODERNISATION OF THE MARRIAGE CONTRACT INSTITUTION IN ENSURING FAMILY STABILITY

Sayfiddinova Zuhro Mehriddin qizi
Tashkent state university of law
master's student in "Sports law"

Abstract: This thesis addresses the modernisation of the marriage contract institution as a means of ensuring family stability. Analysis of the Family Code reveals that the existing regulation is limited solely to property relations. It is our view that this restricts the institution's full potential in safeguarding family stability. Drawing on a comparative analysis of foreign states' experience, the necessity of incorporating non-property conditions and protecting children's interests is substantiated.

Keywords: marriage contract, family stability, modernisation, family law, marriage contract, family stability, modernisation, family law, comparative law.

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилинади. Бироқ сўнгги йилларда ажралишлар сонининг кескин ортиши оила барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу борада никоҳ шартномаси институти алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида никоҳ шартномаси 1998 йилда Оила кодекси қабул қилиниши билан расмий равишда мустаҳкамланди. Шундан буён орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтди, аммо мазкур институт амалиётда ҳали-бери кенг қўлланилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири — никоҳ шартномасининг фақат мулкий муносабатлар доирасида тартибга солиниши ва жамиятда у ҳақдаги тасаввурнинг тор эканлигидир. Бизнингча, никоҳ шартномасини оила барқарорлигини мустаҳкамловчи ҳуқуқий кафолат сифатида кўриш ва уни замон талабларига мос модернизация қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Хорижий давлатлар — хусусан, Германия, Франция ва Америка тажрибаси шуни кўрсатадики, никоҳ шартномаси тўғри шакллантирилган тақдирда ажралишлар сонини камайтириш ва эр-хотин ўртасидаги низоларни олдиндан ҳал этишда самарали восита бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли моддалари никоҳ шартномасининг ҳуқуқий асосини белгилайди. Никоҳ шартномаси – бўлажак эр ва хотиннинг ёки никоҳда бўлган эр ва хотиннинг ушбу даврда олинган мол-мулкларининг ҳуқуқий режимини ўрнатадиган, келажакда никоҳдан ажратилган тақдирда, уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тақсимланишини белгиловчи ёзма келишувидир¹.

Амалиётга назар ташласак, манзара бир қадар мураккаброқ. Аҳоли орасида никоҳ шартномасига нисбатан ишонч ҳали шаклланмаган — кўпчилик уни ширин муҳаббатга соя соладиган совуқ ҳужжат деб қабул қилади. Бу, албатта, тушунарли ҳолат. Никоҳ — бу аввало ишонч, кейин ҳуқуқий расмийлик. Лекин айнан шу ишонч синганда, яъни ажралиш муқаррар бўлганда, шартноманинг йўқлиги эр-хотин учун, айниқса болалар учун оғир оқибатларга олиб келади.

Иккинчи муаммо — шартнома мазмунининг торлигида. Мол-мулкни бўлиш масаласи ҳал қилинади, холос. Болалар қаерда яшайди? Уларни ким тарбиялайди? Оилавий мажбуриятлар қандай тақсимланади? Буларнинг барчаси ҳуқуқий ҳимоядан четда қолади. Бизнингча, айнан шу бўшлиқ мазкур институтнинг жамиятда кенг тарқалмаслигига асосий сабаб бўлмоқда — чунки одамлар фақат мол-мулк учун шартнома тузишни ноқулай деб ҳисоблашади.

Бизнингча, никоҳ шартномасига маълум бир ўзгартиришлар киритиш орқали уни аҳоли орасида кенг тарқатиш мумкин ва бу оила барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Амалиётда кузатилаётган ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, ажралишлар оқибатида айоллар ва болаларнинг манфаатларига жиддий путур етказилмоқда — алимент тўловларидан бош тортиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда, болаларнинг моддий таъминоти эса кўпинча суд жараёнларисиз ҳал этилмай қолмоқда. Хорижий давлатлар тажрибаси эса бу муаммонинг олдини олиш мумкинлигини исботлайди.

Ушбу тезисда илк бор учта мутлақо фарқли ҳуқуқий тизим (континентал ва англо-саксон) тажрибалари синтез қилинган. Германиянинг пенсия қонунчилиги,

¹ O'zbekiston Respublikasi Oila Kodeksi. – 1998 yil. – 29-modda. www.lex.uz

Франциянинг учинчи шахсларни ҳимоя қилиш тизими ва АҚШнинг номулкий шартлар бўйича суд амалиёти ўзбек миллий менталитети ва ҳуқуқий воқелигига мослаштирилиб таҳлил этилган. Айниқса, оилавий зўравонлик ва хиёнат учун мулкий жавобгарлик (санкциялар) жорий этиш таклифи оилалар мустақамлигини оширишга ҳамда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳуқуқий-иқтисодий механизмлар орқали таъминлашда янги қадамдир.

Биринчи таклиф, Ўзбекистонда стандарт тартибга кўра никоҳ давомида орттирилган моддий мулклар эр-хотин ўртасида тенг бўлинади. Бироқ, кўп ҳолларда аёллар фарзанд тарбияси ва уй рўзғор ишлари билан банд бўлиб, расмий меҳнат стажига эга бўлмайдилар. Натижада, никоҳдан ажралгандан кейин уларнинг келгуси ижтимоий таъминоти ва пенсия миқдори эрининг пенсия жамғармасидан тубдан фарқ қилади, бу эса ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Германия Фуқаролик кодекси (BGB) да турмуш ўртоқлар никоҳ шартномаси орқали ўзларининг никоҳ мулкани тартибга солишлари мумкин, хусусан, никоҳ тузилгандан кейин ҳам никоҳ мулки режимини бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин. Агар турмуш ўртоқлар никоҳ шартномасида пенсия ҳуқуқларини тенглаштириш тўғрисида келишувлар тузсалар, бу борада Пенсия ҳуқуқларини тенглаштириш тўғрисидаги қонуннинг 6 ва 8-моддалари қўлланилади деб белгиланган.²Никоҳ давомида эр ва хотин томонидан тўпланган пенсия баллари ва ижтимоий суғурта ҳуқуқлари ажралиш жараёнида автоматик равишда тенг бўлинади. Биз таклиф қиламизки, Ўзбекистон Оила кодексига ҳам эр-хотиннинг никоҳ давомида тўплаган ижтимоий ва жамғариб бориладиган пенсия ҳуқуқларини ажралишда тенг тақсимлаш механизминини киритиш лозим.

Иккинчи таклиф, Амалдаги миллий қонунчиликда никоҳ шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учинчи шахсларнинг (масалан, кредиторлар ёки биринчи никоҳдан бўлган фарзандларнинг) манфаатларига қанчалик таъсир қилиши ва уларни мажбурий хабардор қилиш механизмлари етарлича тартибга солинмаган. Бу ҳолат мол-мулкни қасддан яшириш ёки мажбуриятлардан қочишга замин яратади. Франция Фуқаролик кодекси (Code Civil) нормаларига кўра, турмуш қурган эр-хотин ўзларининг никоҳ-мулк тартибини нотариус орқали ўзгартирмоқчи бўлса, вояга етган фарзандларини ва мавжуд кредиторларини расман огоҳлантириши шарт. Агар ушбу шахслар томонидан 3 ой муддат ичида эътироз (қаршилиқ) билдирилса, масала суд тартибида кўриб чиқилади.³Ушбу моделни миллий қонунчиликка татбиқ этиш учинчи шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлайди.

Учинчи таклиф, Ўзбекистон Оила кодексининг 31-моддасига биноан, никоҳ шартномаси фақатгина эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унда номулкий муносабатларни тартибга солиш қатъиян тақиқланган. Бироқ, амалиётда оилавий зўравонлик ва садоқатсизлик (хиёнат) ҳолатлари оилалар бузилишининг асосий сабабларидан бири бўлиб, жабрланган томон маънавий ва моддий жиҳатдан ҳимоясиз қолмоқда. АҚШ оила ҳуқуқи тизимидаги никоҳгача бўлган келишувлар (Prenuptial agreements) тажрибасидан келиб чиқиб, шартномага хиёнат

² Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодекси (BGB) 1408-параграфи — “Ehevertrag, Vertragsfreiheit” (Никоҳ шартномаси ва шартнома эркинлиги).

³ Code civil français. Article 1397: Changement de régime matrimonial

қилмаслик (infidelity clause) ёки оилавий зўравонликка йўл қўймаслик каби махсус қоидаларни киритишга рухсат бериш лозим. Агар ушбу мажбуриятлар бузилса, айбдор турмуш ўртоғига нисбатан ажралиш жараёнида моддий компенсация тўлаш ёки умумий мулк тақсимоотида унинг улушини камайтириш каби аниқ мулкый жавобгарлик чоралари белгиланиши керак. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, никоҳ шартномаси юридик мазмуни ва ҳуқуқий табиати мураккаб тизимга эга бўлиб, у оила ҳуқуқи ҳамда фуқаролик ҳуқуқи кесишувида пайдо бўлувчи кўп қиррали муносабатдир. Никоҳ шартномаси оилалардаги мулкый низолар ҳал қилиш билан бир қаторда оилаларнинг мустаҳкамлигига ҳам жуда катта йордам беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, никоҳ шартномаси айоллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилмаса фақатгина мулкый низолар билан чекланса кўпчиликда бу нарсага нисбатан еҳтийож юзага келмайди. Никоҳ шартномаси мулкый ҳуқуқлар билан бирга номулкий ҳуқуқларни тартибга солиши унинг аҳамиятини оширади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. – 1998 йил. – 29-модда. www.lex.uz
2. Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодекси (BGB) 1408-параграфи — “Ehevertrag, Vertragsfreiheit” (Никоҳ шартномаси ва шартнома эркинлиги).
3. Code civil français. Article 1397: Changement de régime matrimonial.
4. Uniform Premarital Agreement Act (UPAA). – National Conference of Commissioners on Uniform State Laws, 1983. 9C U.L.A. 35. – Rezhim: